

## **Тиббиётда қон қуйиш системалари мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлганлиги даражаси ҳамда рақобат муҳити тўғрисида МАЪЛУМОТ**

Рақобат қўмитаси томонидан ТИФ ТН коди 9018905001 остидаги **тиббиётда қон қуйиш системалари** товар бозоридаги рақобат муҳитини таҳлил қилиш ҳамда ички бозорнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўйинганлиги даражасини аниқлаш бўйича ўрганилди.

Ўрганиш Миллий статистика қўмитасининг 2023 йил учун саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари маълумотлар базаси ҳамда Божхона қўмитасининг импорт ва экспорт маълумотларига асосан ўтказилди.

### **I. Тиббиётда қон қуйиш системалари импорт ва экспорт ҳолати.**

2023 йилда **90 та** корхона томонидан **13 та** давлатдан қиймати **15,3 млн АҚШ доллари**га тенг бўлган **195 млн дона** тиббиётда қон қуйиш системалари **импорт** қилинган. Импорт қилинган маҳсулотларнинг **96 фоизи** – **Хитой**, **4 фоизи** эса бошқа **12 та** давлатлар ҳиссасига тўғри келади.

Импортнинг концентрация даражаси ўрганилганда **энг йирик 5 та** импорт қилувчи корхона ҳиссасига жами импортнинг **36,4 фоизи** тўғри келган. Шунингдек, импорт асосида олиб келинган тиббиётда қон қуйиш системалари маҳсулотининг **ўртача нархи 1 донаси** учун **0,08 долларга** тўғри келган.

2023 йилда **3 та** корхона томонидан **4 та** мамлакатга қиймати **53,1 минг АҚШ доллари**га тенг бўлган **479 минг дона** тиббиётда қон қуйиш системалари **экспорт** қилинган. Экспорт қилинган маҳсулотларнинг асосий қисми Қирғизистон (52 фоиз) ва Қозоғистон (42 фоиз) ҳиссасига тўғри келиб, **ўртача нархи 1 донаси** учун **0,11 доллар**ни ташкил этган.

### **II. Ички бозордаги рақобат ҳолати.**

Таҳлиллар доирасида тиббиётда қон қуйиш системалари ишлаб чиқариш бозоридаги рақобат ҳолати халқаро тан олинган **ННИ (Херфиндал-Хиршман индекси)** орқали баҳоланди.

Миллий статистика қўмитасининг расмий маълумотларига кўра, 2023 йилда **7 та** хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тиббиётда қон қуйиш системалари ишлаб чиқарилган.

Хўжалик юритувчи субъектлар сони ва ишлаб чиқариш ҳажмлари маълумотлари асосида **ННИ** ҳисобланганда, индекс натижаси **9 803 пункт**га тенг бўлганлиги ва ушбу товар бозорида **рақобат муҳити ривожланмаганлиги** аниқланди. Бунда энг йирик ишлаб чиқарувчининг улуши 99 фоизни ташкил этади.

*Маълумот учун: ННІ (Херфиндал-Ҳириман индекси) бозордаги рақобат муҳитини баҳолаш ва концентрация даражасини аниқлаш учун фойдаланилади. Унга кўра, ННІ кўрсаткич 0 дан 1500 пунктгача бўлганда рақобат муҳити ривожланган, 1500 дан 2500 пунктгача бўлганда рақобат муҳити етарлича ривожланмаган, 2500 дан 10 000 пунктгача бўлганда бозор юқори даражада монополлашган ҳисобланади.*

### **III. Ички бозорнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлганлиги даражаси.**

Миллий статистика қўмитаси ва Божхона қўмитасининг 2023 йил бўйича расмий статистика маълумотларига асосан ички бозорда ТИФ ТН коди 9018905001 остидаги тиббиётда қон қуйиш системаларининг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўйинганлиги даражаси аниқланди.

*Маълумот учун, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўйинганлиги даражасини аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 декабрдаги 303-сонли қарорида белгиланган тартибда ҳисобланди.*

2023 йил давомида мамлакатимизда қиймати 17,1 млрд сўмлик **33,1 млн дона** тиббиётда қон қуйиш системалари ишлаб чиқарилган.

Мазкур маълумотлар асосида тиббиётда қон қуйиш системаларининг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўйинганлик даражаси 2023 йилда **15 фоизни** ташкил этганлиги аниқланди.

*Маълумот учун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 декабрдаги 303-сонли қарорига асосан товар бозори ҳажмида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар улуши 80 фоиздан кўп бўлганда бозор товар билан тўйинган ҳисобланади ва мазкур улуш ушбу кўрсаткичдан кам бўлганда товар билан тўйинмаган ҳисобланади.*

Шунингдек, республикада ишлаб чиқарилган тиббиётда қон қуйиш системаларининг **ўртача нархи 1 донаси** учун ўртача **600 сўмга** (2023 йил ҳолатига 0,04 долл.) тўғри келган.

### **IV. Хулоса.**

ТИФ ТН коди 9018905001 остидаги тиббиётда қон қуйиш системалари бозорининг тўйинганлик даражаси **15 фоизни** ташкил этиши ҳамда ички бозорда мазкур маҳсулотга бўлган талабнинг юқорилиги сабабли, ушбу маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича **мавжуд қувватларни кенгайтириш ва янги лойиҳаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ** ҳисобланади.